

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ**

ХАЛИЛОВ АКМАЛ АБДУЖАЛИЛОВИЧ

**ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚУМТОШЛИ ВА ҚОРАСЛАНЕЦЛИ
ЯШИРИН УРАН КОНЛАРИНИ БАШОРАТЛАШ ВА ИЗЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё.**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Халилов Акмал Абдужалилович Ғарбий Ўзбекистоннинг қумтошли ва қорасланецли яширин уран конларини башоратлаш ва излаш мезонлари	3
Халилов Акмал Абдужалилович Критерии прогноза и поисков скрытых месторождений урана черносланцевого и песчаникового типов Западного Узбекистана	31
Khalilov Akmal Abdusalilovich Criteria for prediction and exploration for hidden uranium deposits of black shale and sandstone types of Western Uzbekistan	60
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	64

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ**

ХАЛИЛОВ АКМАЛ АБДУЖАЛИЛОВИЧ

**ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚУМТОШЛИ ВА ҚОРАСЛАНЕЦЛИ
ЯШИРИН УРАН КОНЛАРИНИ БАШОРАТЛАШ ВА ИЗЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё.**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/GM28 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Минерал ресурслар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.gpniimr.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Исаходжаев Бахтияр Абдукаримович
Геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирходжаев Бахтияр Исмаилович
геология-минералогия фанлари доктор

Карабаев Маматхон Садирович
геология-минералогия фанлари доктори

Конеев Рустам Исмаилович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Узгеорангметлити» ДУК

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11^а-уй). Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11^а-уй). Тел.: (99871) 256-13-49.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги реестр баённомаси)

Р.А.Ахунджанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

К.Р. Мингбоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

Х.А.Ақбаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўплаб давлатларида атом энергетикаси саноати тармоқлари учун муҳим бўлган уран хомашёсига талаби ортиб бормоқда. Осон қазиб олинувчи конларнинг тугаётганлиги туфайли минерал-хомашё базасини янги конларни топиш хисобига тўлдириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада яширин уран маъданли конларни излашнинг назарий асосларини яратиш ва уларни илмий асослаш юқори самарадорликка эга уран хомашё базасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳонда уран конларини башоратлаш, маъдан шакллантирувчи формацияларнинг минерагенциясини ва маъдан манбааларини аниқлаш, маъдан шаклланиш жараёнларини ва маъдан ҳосил қилувчи омилларни математик ва геологик-генетик моделлаштириш, асосий минералогик бирлашмаларни, конларни шаклланишининг умумий белгилари ва қонуниятларини аниқлаш, маъданлашувнинг макондаги жойлашувини аниқлаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси яширин конларни башоратлаш ва излаш мезонларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг уран хомашё базасини кенгайтириш бўйича муаян ютуқларга эришилмоқда. Жумладан Қизилқум уран маъданли ўлкасида 30 дан ортиқ қумтош туридаги уран конлари топилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясида «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Ғарбий Ўзбекистондаги нафақат қумтошли, балки қора сланецли саноат турига мансуб яширин уран конларини башоратлаш мезонларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси тизимида ягона геологик хизматни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғликлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII – «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Уран конларининг геологияси, геокимёси, турли-туман уран ва камёб металл конларни башоратлаш мезонларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Бутунроссия геология илмий-тадқиқот институтида (Россия), Бутунроссия минерал хомашё илмий-тадқиқот институтида (Россия), Кимёвий технологиялар бўйича Росатом Давлат корпорациясининг етакчи илмий-тадқиқот институтида (Россия), Пекин уран геологияси тадқиқотлари институти (Хитой), Самесо (Канада), Orano SA (Франция) ва Минерал ресурслари институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Уран конларининг геологияси, геокимёси, минералогияси, радиогеологияси, металлогенияси, генезиси, маъданли техник ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар натижасида қўйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: уран конларининг етакчи турлари шаклланишининг юқори даражадаги назариялари ва концепциялари ишлаб чиқилган (БГИТИ, БМХИТИ, Россия), ураннинг номувофиқ турга хос мезонлари ишлаб чиқилган (Самесо, Канада) вулканик-тектоник структуралар билан боғлиқ уран конларининг гидротермал турлари аниқланган (BRIUG, Хитой), асосий ва бирга учровчи металлларни қазиб олиш технологияси ишлаб чиқилган (РОСАТОМ, Россия), камёб металлларни ажратиб олиш технологияси яратилган (Orano SA, Франция), уран конларини қазиб олиш технологиялари яратилган (МРИ, Ўзбекистон).

Дунёда ҳозирги ураннинг хомашё базасини кенгайтиришга қаратилган қатор устувор илмий йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: уран конларини аниқлаш бўйича янги усуллар ва технологиялар ишлаб чиқиш; турли геодинамик шароитларда маъдан уюмларини шаклланиши ва йигилиш шароитларни аниқлаш; конлар ва маъданли районларни геокимёсини ва минералогиясини аниқлаш; махсулдор горизонтларни ҳосил бўлишининг мажмуавий мезонларини ишлаб чиқиш; конлардаги турли иккиламчи ўзгаришларни аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қизилқум уран маъданли ўлкасида геологик-қидирув ишларининг катта ҳажмлари, турли масштаблардаги геологик съёмкалар, уни стратиграфияси, магматизми, тектоникаси, пойдеворнинг чуқурликлардаги тузилишлари, структуравий геофизикаси ва бошқалар бўйича мавзувий тадқиқотлар ўтказилган.

Уларни бажариш жараёнида алоҳида эътибор, республиканинг уран маъданли минерал-хомашё базасини асосий истиқболлари боғлиқ бўлган мезозой-кайнозой ғилофидаги бўр ва палеоген ётқизиқларини ўрганишга қаратилди. Қизилқум регионининг уранга хослигини ўрганишда

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.elsevier.com>; www.geokniga.org; www.mincos.ru; www.geohit.ru; www.mantleplumes.org; www.nature.com; www.researchgate.net ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Б.И.Натальченко, Х.К.Каримов, Р.И.Гольдштейн, М.В.Шумилин, Е.М.Шмариович, Г.А.Печенкин, Н.Н.Муромцев, К.Г.Бровин, И.Г.Печенкин, Б.Б.Голубев ва бошқалар ўзларини катта ҳиссаларини қўшдилар. Аввалги йиллардаги тадқиқотлар натижалари Марказий Қизилқумда бир қатор олтин ва уран конларини очилишига олиб келди. Юзлаб мутахассисларнинг ишлари натижалари бўйича тектоник районлаштириш харитаси, турли горизонтлар бўйича структуравий хариталар, сейсмогеологик кесимлар, Қизилқум уран таркибли ўлканинг 1:500 000 масштабдаги ихтисослашган хариталари атласи тузилди. Қатламли оксидланиш зоналарида конларни излаш ва башоратлашнинг турли-туман мезонлари, регионни углеродли-кремнийли сланецларида маъданларни намоён этишнинг мезонлари аниқлаб берилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Минерал ресурслар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Таркибий тузилиши мураккаб бўлган уран маъданли конларнинг ётиш шароитларини ўрганиш ва уранни ажратиб олишнинг мақбул технологияларини ишлаб чиқиш» (2012-2015), ИК-2013-6 «Геологик-қидирув ишлаб чиқариш ишларида Марказий Қизилқумдаги қадимий қалин қатламларда уран ва уран-камёб метал конларини ҳосил бўлишининг геологик-генетик моделини тадқиқ этиш» (2013-2015) илмий-амалий ва инновацион лойihalари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғарбий Ўзбекистондаги қора сланецли ва кумтош турлардаги уран конларини башоратлаш ва излаш мезонлари асосида яширин маъданлашган истиқболли майдонларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ураннинг кумтошли ва қора сланецли турларидаги конлари, истиқболли майдонлари ҳамда маъдан намоёнлари моддий таркибини ўрганиш;

регионнинг филофидаги ўтказувчан чўқинди мажмуаларини умумий белгилари ва шаклланиш қонуниятларини ва йирик тоннажларда бўлган кумтошли конларининг жойлашиш шароитларини, уларнинг башоратлаш мезонларини аниқлаш;

яширин маъданлашишни аниқлашда геологик-геокимёвий маълумотларни математик моделлаштириш орқали истиқболли майдонлар ва участкалар ажратишнинг мезонлар гуруҳини ишлаб чиқиш;

турли тоғ-маъдан регионларидаги қора сланецли конлар ва маъдан намоёнлари учун асосий бўлган минераллар ассоциацияларини ажратиш;

қора сланец туридаги объектларда вертикал ва латерал бўйича геокимёвий ва минералогик зоналикларни аниқлаш, шунингдек кумтош туридаги конларнинг геокимёвий зоналари шаклида турли металлларнинг тутган ўринларини аниқлаш;

«тўйиниш манбаи ва қўйилиш ҳудуди» тизимларни намоён этиш билан, икки турдаги уран конларининг башоратлаш имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қизилқум ҳудудидаги қадимги қора сланецли формацияларда шаклланган мажмуавий уран маъданларининг конлари, маъдан намоёнлари, шунингдек Турон платформасининг чўқинди, ўтказувчан бўлган ётқизикларида шаклланган уран маъданига истиқболли майдонлари ва конлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети уран-камёбметалл-камёб ер элементлари маъданлашувини қамраган палеозой пойдевори ва платформа ғилофидаги уран конларидаги маъдан қамровчи жинслар мажмуаси, минералогик ассоциациялар, геохимёвий зоналар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Геологик материалларни комплекс таҳлил этиш, дала ишларини олиб бориш, қудуқ керналарни ва тоғ лаҳимларини радиометрик ҳужжатлаштириш, уларни камерал қайта ишлаш, аналитик лаборатория тадқиқот усуллари, шу жумладан, тоғ жинслари намуналарини бинокуляр ва микроскоп остида ўрганиш ишларини олиб бориш; замонавий дастур таъминотларидан ҳамда бирламчи геологик-геофизик ва геохимёвий маълумотларни математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йирик уран конларининг ғилофларда ҳосил бўлишида қатламлардаги оксидланиш ва тикланиш жараёни билан бирга пастдан чиқиб келувчи сувли эритмаларнинг аҳамияти асосланган;

экзоген қатламли-инфилтрацион уран кони маъданининг махсулий таркиби ва минераллашувнинг ётқизилиш кетма-кетлиги, тўйиниш манбаидаги тоғ жинсларнинг таркиблари ва эрозия кетма-кетликлари билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор математик моделлаштириш орқали изчил геология қидирув ишлари олиб борилган ҳудудларда ураннын кумтошли туридаги янги истиқболли майдонларни башоратлаш усули ишлаб чиқилган;

илк бор қора углеродли-кремнийли сланецларда комплекс уран-камёбметалл-сийрак ер элементлари маъданлашувларнинг шаклланишини геологик-генетик моделлаштириш асосида яширин маъданлашувларни аниқлаш услубияти ишлаб чиқилган;

Ғарбий Ўзбекистонда мавжуд бўлган қора сланецли ва кумтош турлардаги уран конлари ҳосил бўлишини бир генезисга (гидроген) мансуб эканлиги исботланган;

янги яширин уран маъданлашган истиқболли майдонлар аниқланган;

«тўйилиш манбаи (маъданли манба) → қўйилиш ҳудуди (кон)» тизимларни бир турга келтириш асосида, яширин уран конларини башоратлаш имкониятлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

геологик ўрганишнинг эрта босқичларида башоратлаш, излаш ва майдон истиқболлини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

кумтош туридаги конларнинг геохимёвий зоналликлари янги маълумотлар билан тўлдирилган ва маъданларнинг комплекслиги ўрнатилган, шунингдек чўкинди ғилофнинг махсулдор горизонтларида иккиламчи карбонатларни ҳосил бўлиш зонаси аниқланган;

яширин қора сланецли ва кумтошли турлардаги уран конларни башоратлаш ва излаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқ натижаларининг ишончлилиги. Диссертация устида иш олиб бориш жараёнида муаллифнинг кенг қамровли материаллари ўрганилди ва таҳлил қилинди, 12 000 дан ортиқ геохимёвий, керн ва борозда намуналари олинди ва ICP-ms масс-спектрли усули билан таҳлил қилинди, 6600 намуналар рентген спектрал усулида таҳлил қилинди, 480 дан ортиқ минералогик намуналар иммерсион препаратларда микроскоп остида батафсил кўриб чиқилди, нам кимё усулларида кўчма металлларнинг жойлашиш шакллари таҳлил қилинди ва рентген-структуравий таҳлиллари ўтказилди, юзлаб

батафсил кузатув нуқталари тавсифланди, аномалиялар ва маъдан намоёнлари ўрганилди, ўнлаб километрлик геологик маршрутлар ўтилди, комплекс геологик қидирув амалга оширилди. Тоғ жинслари ва маъданларнинг лабораторий таҳлиллари ишончилиги сертификатланган лабораторияларда амалга оширилганлик билан асосланади.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти коннинг саноат аҳамиятига молик участкаларини башоратлашга имкон берувчи, қора сланецли маъданларда эрозион қирқимни турли зоналаридаги минералогик ассоциацияларни аниқланиши, кумтошли ва қора сланецли турлардаги конларни башоратлаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги, конни шаклланишининг геологик шароитларни математик моделлаштиришга асосланган, башоратлашнинг янги усули ишлаб чиқилганлиги, иккала турдаги конларнинг маъданларини мажмуавий тавсифлари ўрнатилган ва уларни геокимёвий зоналиклари янги маълумотлар билан тўлдирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уран ва камёб металллар хомашё базасини тўлдириш самарадорлигини ошириш, хомашё базасини диверсификацияси учун аниқ чоралар ишлаб чиқишни тақозо этади. Қора сланецли формация худудларининг янги турдаги мажмуавий уран-камёбметалл-сийрак ер металл маъданларини саноат аҳамиятидаги қийматлари исботланган. Иккита яширин турдаги конларни излашнинг янги усуллари таклиф қилинган. Истиқболли майдонлар ва участкалар аниқланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғарбий Ўзбекистоннинг кумтошли ва қора сланецли яширин уран конларини башоратлаш ва излаш мезонлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жинслар ва маъданларда минерал-геокимёвий тадқиқотлар ўтказиш бўйича усул «Уранкамёбметгеология» ДУК кумтош туридаги объектларда излаш-қидириб чамалаш ишлари амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 8 январдаги 02/2-спр-сон маълумотномаси). Натижада Қизилқум ўлкасидаги уран конларида карбонатлашган жинсларда ва сийрак ер металлари маъданлашувининг ички зоналарини аниқлаш имконини берган;

металлларнинг манбалари худуди тоғ жинслари ва маъданларнинг маҳсулий таркибларига боғлиқ кумтош туридаги маъданларнинг маҳсулий таркибларини ўзгариши бўйича боғлиқликлар «Уранкамёбметгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 8 январдаги 02/2-спр-сон маълумотномаси). Натижада, ягона бўлган «тўйилиш манбаи → қуйилиш худуди» гидродинамик тизими мавжуд бўлганда истиқболли худудларни белгилашга имкон берган;

конларни шаклланишининг геологик шароитларини математик моделлаштириш асосида яширин маъданлашувларни башоратлаш бўйича услубият «Уранкамёбметгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 8 январдаги 02/2-спр-сон маълумотномаси). Натижада янги тўрта истиқболли майдонларни башоратлаш ва ажратиш имконини берган;

углеродли микрокварцитларда комплекс элементлар бўйича уран-камёб металл – сийрак ер элементлари маъданлашувларини аниқлаш услубияти «Уранкамёбметгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 8 январдаги 02/2-спр-сон маълумотномаси). Натижада ураннинг ва TR, V, Se, Mo, Sc, Re, Au ва б. концентрациясини ўсиши

ўрнатилган бўлиб Устук ва Шарқий Олтинтов истиқболли майдонларида геология қидирув ишларини йўналтиришга имкон берган;

маъданлашувни шаклланиш шароитлари ва тарқалишини ифодаловчи ишлаб чиқилган модель ва иккиламчи бўлган бой уран-слюдали маъданли яширин конларини излаш бўйича мезонлари «Уранкамёбметгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 8 январдаги 02/2-спр-сон маълумотномаси). Натижада Буконтоғ ва Шимолий Нурота тоғларида ураннынг бирламчи оксидли (настуран) маъданлашувини қора сланецли конлар остида аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ўтказилган тадқиқотнинг турли аспекти 6 та халқаро конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Улардан 11 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, 6 таси халқаро илмий-техник конференцияларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби - кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетдан баён этилган бўлиб, 49 та расмлар ва иловаларда 26 та жадвалдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган. Тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши келтирилган.

Биринчи «Ўзбекистонда ураннынг минерал-хомашё базасини барпо этилишини қисқача тарихи ва унинг ҳозирги замон ҳолатини баҳолаш» бобида Ўзбекистонда ураннынг минерал-хомашё базасини барпо этилишини қисқача тарихи, унинг ҳозирги замондаги ҳолатлари, конларни башоратлаш ва излаш муамолари баён этилади.

Уранга излаш-қидириб-чамалаш ишлари регионда 80 йилдан кам бўлмаган муддатларда ўказилиб келинди. Ўрта Осиёда улар ўтган асрнинг 40-нчи йилларидаёқ бошлаб юборилган. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бутун ҳудудлари бўйлаб бир қанча муддат кечроқ авж олиб кетди.

1950 йилнинг бошларидаёқ Тянь-Шанни бўлақларида, тоғ оралиқларидаги эгиклари ҳудудларида юраннынг кўмир таркиб ётқизикларида (Тўракавак ва б.) ва палеогенни карбонатли ҳосилаларида (Мойлису, Шокоптар ва б.) уран конлари намоён этилди. Марказий Қизилқумда 1952 йилда кучли аэрогамма-спектрометрик аномалия топилди, кейинчалик эса уран маъданлашувларини нордонлашган чўкинди, ўтказувчан бўлган жинслар билан маконий боғлиқлари қайд этилган Учқулоч кони очилди. Қизилқум регионининг чўкинди филофидаги ўтказувчан қалин тўпламларда қатламли рудогенез назариясининг

таракқий этиши - кўламлари бўйича катта ва ўрта конларни очилишларига сабаб бўлди.

Регионнинг уран таркиблиликларини ўрганишнинг бутун тарихи давомида, ҳамиша кўпгина илмий муасасаларнинг (ВСЕГЕИ, ВИМС, ВИРГ, ИГЕМ, ВСЕГИНГЕО, МГРИ ва б.) геологик-қидирув ишлари бошчилигидаги ихтисослашган илмий тадқиқотлари юқори ўринларда турдилар ва ҳамроҳлик қилдилар. Уранни излаш билан шуғилланувчи геологик-қидирув ташкилотларнинг фаолиятлари давомида, турли даврларда ва турли муаллифлар томонидан доимий умумлаштирилган ҳамда янги истиқболли ҳудудларни башоратлаш мақсадида қайта тадқиқ этишга жалб қилинган уран конлари, тоғ жинслари ва сувда уранни металлогенияси, геохимёвий материаллари бўйича кенг кўламдаги маълумотлар тўпланди. Ўтган муддатлардаги олинган маълумотларни ўрганиш ва умумлаштириш ишлари, бир неча марта янги истиқболли майдонларни топилишига олиб келди. Улар регионнинг алоҳида, кўпинча майдоний бўйича катта бўлган қисмларига дахлдор бўлди. Биринчи навбатда улар, ҳам мезазой-кайназой ғилофи ва палеозой пойдевори ривож топган областларда жойлашган бўлиб, намоён этилган уран маъданли ҳудудларни ва уларда жойлашган конларни мажмуавий, кўп жихатли баён этишга бағишланган эди. Натижалари қисман нашр этилган тадқиқотларнинг миқдори жуда катта бўлиб, уларни хатто қисқача санаб чиқишнинг иложи йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг уран минерал-хомашё базасини шакллантиришда А.И.Пак, Е.А.Головин, В.В.Андреев, В.А.Бескрестнов, С.Г.Булатов, Т.Я.Демина, В.В.Казаринов, М.Ф.Каширцева, Е.Е.Левина, В.П.Легошин, В.М.Мазин, Г.Н.Пономарев, Г.В.Тараборин, Л.Н.Тужиков, В.А.Успенский, Х.К.Каримов, В.А.Фельдгун, И.В.Швей, Е.М.Шмариович, В.Н.Щеточкин, Ф.Н.Абакумов, Г.Печенкин, П.И.Букреев, Г.М.Данилов, Ф.В.Лаптурев, Л.Н.Миклашевский, М.И.Морозов, И.Г.Печенкин, Б.А.Осипов, А.А.Петренко ва бошқа шу каби мутахассиларнинг қўшган хиссаларга баҳо бериш қийин.

Охирги йилларда Ўзбекистоннинг минерал-хомашё тармоғида тубдан ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ер юзасида осон очилувчи конлар фонди деярли бутунлай тугатилди, ва анчадан буён ҳукумронлик қилган чуқурликдаги башоратлаш муаммолари олдинги планга илгари сурилди. Агар, нисбатан катта бўлмаган чуқурликларда шаклланган кичик конларни кам ва қашшоқ маъданларини қудукдаги ерости ишқорлаш усулида қазиб олиш самарали бўлса, унда чуқурликда қазиб олиш ишлари қиммат турувчи ҳисобланади ва фақат йирик ҳамда бой объектларгина керак бўлади. Бу нарса айнан карьер билан қазиб олса бўлдиغان пойдеворнинг конларига ҳам тегишли, бундай вазиятда қиммат турувчи шахтадан ўзлаштириш учун мажмуавий бўлган бой маъданлар лозим бўлади.

МАГАТЭнинг баҳолашлари бўйича, Ўзбекистон энди таннархи 80\$/кг гача бўлган тоифадаги ураннинг ресурслари ҳажмлари бўйича мамлакатларнинг кучли ўнлигига кирмайди. Ураннинг хомашё базасини диверсификациялаш ва уни тезкор суръатлардаги тўлдириш заруриятлари юзага келади.

Ўзбекистоннинг уран маъданли базасини ҳолати ва уни барпо этиш суръатларини қисқаришлари қазиб олишнинг паст суръатларининг асосий сабабчиси ҳисобланиди ва оқибат сифатида уран ишлаб чиқаришнинг кейинги қисқаришларига олиб келади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг

уран саноати олдида, энди янги улкан вазифа – уни етказиб беришнинг халқаро шартномаларига хизмат кўрсатиш билан бирқаторда, ватанимизнинг атом саноатини узлуксиз уран билан таъминлаш турибди.

Ўзбекистонда саноатга хос турдаги учта уран конлари мавжуд, улар шарқдан - Тянь-Шаннинг ғарбий бўлақларидан, то ғарбда Турон платформасигача, ноёб географик жойлашишлари билан шартлашган. Ҳомашё базасининг камайишларини нохуш оқибатларини олдини олиш учун истикболли майдонларни намоён этишга ва барча турдаги уран конларини излаш мезонларини такомиллаштиришга йўналтирилган, турли жихатлардаги илмий – тадқиқотлар лозим.

Иккинчи «Ўзбекистоннинг уран маъданли ҳудудларини тизимлаштириш принциплари» боб нашр қилинган маълумотларга асосланган. Қачонлардир уранга салоҳиятли бўлган, ҳам Ғарбий Ўзбекистонда ва ҳам мамлакатнинг яхлит ҳудудларида уран металлогениясини тўлақонли тушуниш мақсадарида, бобда уран маъданли ҳудудларда уран маданли формацияларни ажратиш билан бирга, металлогеник районлаштириш принциплари келтирилган. Маълумки, Ўзбекистон ҳудудлари учта турдаги районлар ажратилади:

I. Ёш платформаларнинг гилофи ҳудудларидаги уран маъданли районлар.


II. Ўрта- ва кечки палеозой интрузив-вулканоген ареаллар ҳудудларидаги уран маъданли районлар;

III. Ёш платформаларнинг фаоллашган қисмларидаги, палеозойнинг бурмаланган структураларининг губазли-палахсали кўтарилишларидаги ва топалеозой блокларининг ҳудудларидаги уран маъданли районлар.

Бобда районларни ҳар бир гуруҳлари ҳудудларида уран маъданли формациялар (УМФ) ажратилади.

Ёш платформаларнинг гилофида тараққий этган уран маъданли районлар. Уларга Марказий Қизилқум уран маъданли ўлкалардаги конлар ҳамда Шимолий Фарғона уран маъданли районларидаги экзоген қатламли-инфилтрацион конлар киритилади.

Марказий Қизилқум уран маъданли ўлкаси, асосан, улардан бири- ғилоф чўкинди сув ўтказувчи жинсларлардаги уранли стратиформ –муҳим устиворлик қилганда, маъданли неоген-тўртламчи гумбаз-палахсали қурилишлар билан боғлиқ бўлган - иккита саноатга хос уран маъданли формацияларни намоён бўлишлари билан тавсифланади. Пойдеворнинг углерод-кренейли ва углеродли-глинали сланецларидаги полиэлементли уран маъданли формация ҳисобланган иккинчисининг саноат аҳамиятлари ҳозирча фақат ўлкага кирувчи Овминза-Белтов райони учун аниқланган. Марказий Қизилқум уран маъданли ўлка (1-расм) Жанубий Тянь-Шанни тоғ қурилмаларини шимолий-ғарбий давомларида жойлашган холда, Амударё ва Сирдарёни ўрта қисмларини эгаллайди. Унинг жанубий-шарқдан шимолий –ғарбга чўзилишлари 450 км. тартибда, кенлиги – 250 км. атрофида. Ушбу ўлка ўзида паст тоғли кўтарилишлар сериясидан (Бўконтон, Етимтов, Томдитов, Овминзатов, Қулжуктов, Шимолий ва Жанубий Нурота, Зиёвутдин ва Зирабулоқ тоғлари) ва уларни ажратиб тувчи эгикликлардан (Мингбулоқ, Бешбулоқ, Оқузқак, Қизилқак, Қарақата, Зарафшон ва б.) ташкил топган, структуравий ва геоморфолгик жихатлардан мураккаб дифференциялашган областни тақдим этади. Кўтарилишларнинг ядросида палеозой пойдеворининг чиқишлар очилиб ётибди, тоғлар ораликларидаги эгикликлар эса мезазой ва кайнозой ётқизиқлари билан тўлдирилган.



1-расм. Тадқиқот объектлари – истикболли майдонлар, Ғарбий Ўзбекистондаги кумтошли ва қора сланецли турлардаги маъдан намоеънлари

Бўр кесимларида терриген-қумли, қумли ва глинали формацияларга кирувчи ола-була рангли ва қул рангдаги кумтошлар, алевролитлар ва глиналардан таркиб топган неоком-апт, альб, сеноман, турон, коньяк,

сантон, кампан ва маастрихт ярусларининг ётқизиқлари ажратилади. Глина таркибли, сувга чидамли (Жайрантуй глинали горизонт) ҳисобланган қуйи туроннинг глиналарини истесъно этганда, ушбу ётқизиқларнинг барчаси учун ўтказувчан қумли горизонтларнинг сувга чидамли бўлган глиналар ва алевролитлар билан тез-тез навбатлашишлари тавсифли. Қуйи альбнинг баъзи бир глинали горизонтлари кўмирли материаллар, битумларга тўйингаликлари билан хусусиятланадилар. Бўр ётқизиқлари ўлка худудларида жуда турлича фацнал шароитларда –саёзсувли –денгиз ва кўл-ботқоқдан то аллювиал ва тоғолди- текисликларгача шаклланган.

Палеогенни ётқизиқлари стратиграфик номосликлар билан бўр қалин қатламини қайта ёпади ва фақат денгизга хос ётқизилардан иборат. Улар асосан терриген бўлган денгиз-глинали ва глинали-карбонатли формацияларини глиналари, мергеллари, камдан-кам охактош ва доломитлари билан тақдим этиладилар. Палеоген кесими асосида, денгиз карбонат формациядаги ангидридлар қатламчалари бўлган охактошлар, доломитлар тарқалган бўлиб, уларни қалинликлари 20-50м.ни ташкил этади.

Юқорида баён этилганларга мувофиқ I турдаги районлар худудларида конларнинг шаклланиш белгилари бўйича 2 та УМФ ажратса бўлади: 1 – бўр ёшидаги платформага хос континентал ва денгизга хос маъдан қамровчи формациялар; 2 – палеоген ёшидаги денгизга хос.

Марказий Қизилқумнинг уран маъданли ўлкалардаги ботиқлик ва эгикликлар ўзаро гидравлик бўлган ёки деярли тўлиқ бошқалардан ажралиб турувчи субороген турдаги кичик артезиан хавзалар тизимини ташкил этади (Минбулоқ, Бешбулоқ, Қарақата, Зарафшон ва б.). Кўрсатилган хавзалар худудларида ер ости сувларини умумий ҳаракатланишлари регионал бўшаниш областларига қараб шимолий-ғарбий – ғарбий –ғарбий (Орол ҳавзасига).

Чўкинди ғилоф жинсларидаги уран конлари асосан, ўтказувчан, сув таркибли горизонтларнинг муҳим даражадаги қумли ётқизиқларга мансуб: 64% маъданлашув терриген денгизга хос қумли формациялари жинсларида ва глинали-қумли формацияларда, 36% - терриген континентал формацияларда ётади. Мезозой-кайнозой қалин қатламининг стратиграфик кесимида маъданлашувнинг тарқалишлари қуйидагича: 4% маъдан –альб ётқизиқларида жойлашган; 3,1% - сеноманда, 34,6% - қуйи туронда, 15,8% - юқори туронда, 12,5% - қуйи коньякда, 8,7% - сантонда, 16,1 – кампан ва маастрихтда, 5,2% - юқори эоцена – қуйи олигоценнинг лавлаконт горизонтида.

Ишимизда иккита уран маъданли формациялар ажратамиз. 1 – қатламли нордонлашиш зоналари билан боғлиқ бўлган -уранли, 2 – қатламли нордонлашиш ва орттирилган иккинчи тикланишлар билан боғлиқ бўлган уран маъданли формациялар.

Биринчи УМФ маъданлари қатламли нордонлашувлар зонасининг ўзининг поналашишларидан ташқарида, таркибида анча эртанги бўлган темирни чала оксиди ва органик махсули иштирок этувчи кул ранг жинсларда шаклланган. Маъдан уюмлари ғўлага хос морфологияга эга, планда эса қатламли нордонлашган жинслар тарқалган майдонни хошиялаб турувчи лентасимон йўл-йўлликни тақдим этади. Маъданлар анча барқарор, ёрқин эмас, уранни таркиби бўйича оддий ва қашшоқ, одатда кескин равишда 0,1-0,15% ошиб кетади. Йўлдош элементлар, қоидага кўра селен (0,1% ва юқори), камдан-кам молибден (0,1% гача). Асосий уран минерали бўлиб. янги пирит билан ассоцияда бўлувчи регнерациялашган уран қораси ҳисобланади, ураннинг бир қисми сорбционлик жиҳатидан кўмирли қолдиқлар, глинали ва фосфатли минераллар билан боғлиқ. Букиной, Жанубий Букиной, Лавлакан, Бешкак, Мойлисой конларида, Суграли конидаги 1-сонли уюмларни асосий қисмларида, Учқудук конидаги баъзи бир уюмларда, Кетмончи конини бир қисмида маъданлашувлар ана шундай. Маъданлашувлар, одатда тектоник бузилишлар билан кўзга кўринувчи боғлиқликларга эга эмас. У ҳозирги пайтда жуда муфассал ўрганилган нордонлаштирувчи қатламли ассиметрик эпигенетик зоналикда аниқ бир жойни эгаллайди.

Иккинчи УМФ маъданлари қатламли нордонлашган жинсларда (Суграли, Учқудук конларида, Сабирсой, Кетмончи, Бахали, Кендиктупа конларини жанубий қанотларида), баъзан эса - бирламчи-қизил рангли жинсларида (Учқудук – сеноман ётқизикларидаги маъданлашув, Киндиктепа – юқори коньяк пачкасидаги маъданлашув) тарқалишга эга, ҳамда одатда пиритлашиш ва ореолли гематитлашиш ёки гетитлашиш билан ҳамроҳликда бўлади. Литологик жиҳатдан бир турда бўлмаган қалин қатламларда бундай маъданлар асосан, нордонлашган зонанинг энг ўтказувчан участкаларида тараққий этади, оксидлар ёки темир гидрооксидларининг иштирок этишида ифодаланган нордонлаштирувчи мухит анча жипс, нисбатан сувга бардошли турдошларида реликтлар (қолдиқлар) кўринишида сақланиб қолади.

Иккинчи формациядаги маъданлашувлар Марказий Қизилкумда кўтарилиб боровчи (темир бўйича) сувли ва газли эритмаларнинг фаолиятлари билан боғлиқ бўлган, маъдан олди ўзгаришлар мажмуаси билан бирга кечади. Бир қатор ҳолларда, бу ерда ураннинг смолалали эндоген конларидаги гидротермал жараёнларнинг босқичлилиги билан умумий баъзи чизгиларга эга бўлган, эпигенетик минерал ҳосил бўлишнинг босқичлиликлари аниқланади.

Ҳозирги пайтга келиб тикланишга хос маъданларнинг генезиси бахс-мунозаларнинг предмети бўлиб турибди, бироқ кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маъдаларнинг махсулдорликлари маъдан қамровчи ётқизикларнинг тикловчи бўлган қобилиятларига тўғридан-тўғри боғлиқликларда бўлади.

Ажратилган иккита УМФ маъданлари Марказий Қизилкумда, ҳам биридан маконда узоқлаштирилган ва ҳам биргаликда бўлган ҳолатларда учрайди. Охириги ҳолат ўлкадаги энг йирик саноат конлари - Учқудук, Сабирсой, Сугралида намоён бўлади.

II-гуруҳдаги конлар – *ўрта- ва кечки палеозойнинг интрузив-вулканоген ареаллари ҳудудларидаги уран маъданли районлар*. Чотқол-Қурама уран маъданли районларда шкалланган, қадимги вулканий-тектоник депрессиялар билан боғлиқ ва молибден-уранли кам сульфидли ва уран-сульфидли УМФга киритилади.

Уран маъданли районнинг умумий майдони 13 минг км² дан ортиқни ташкил этади. Ушбу ҳудудларда урани майда, шунингдек ўрта миқёслардаги 20 та кони ва 13 та маъдан тугунига гуруҳланган ураннинг катта миқдордаги намоёнлари маълум. Улардан учтаси ҳозирги пайтда саноат аҳамиятига эга бўлиб (Бабайтоғ, Қорабош, Чаркесар) (2-раси) улар қачонлардир Ленинобод тоғ-кимё комбинатининг ҳомашё базаси бўлиб хизмат қилган (Тожикистон).

Чотқол-Қурама районидаги уран конларини ўрганиш ва ураннинг металлогенияси масалалари бўйича тадқиқотлар кўп йиллар мобайнида Ленинобод комбинатининг геологлари (В.В.Новосельцев, В.Н.Козирев, В.С.Ломовский, А.Н.Колчин ва б) ҳамда ИГЕМ 1-сонли экспедицияси ходимлари (Ф.И.Вольфсон, Н.П.Лаверов, А.П.Тишкин, А.Е.Толкунов, Б.Л.Рибалов, Л.В.Хорошилов, Л.И.Лукин, И.П.Кушнарев, Е.П.Сонюшкин, И.Е.Сморчков, Г.А.Тананаева ва б.) томонидан ўтказилди.

Шунингдек, вулканоген-тектоник структуралар оралиқларида шаклланишларига кўра ҳамда литологик-структуравий тутган ўринлари бўйича учта УМФ ажратилади: 1- халқали ёриқларнинг чўкиш мульдасида ёки мульдани кесиб ўтувчи чизикли ёриқларда жойлашувчи субвулканик интрузиялар ва вулканик некклар таналаридаги; 2- чўкиш мульдасини ички қисмларидаги стратифицирлашган вулканитларда; 3- чўкиш мульдасидан ташқаридаги гранитоидларда.

Ва учинчи муҳим саноат гуруҳига – *ёш платформаларни, палеозойни бурмаланган структураларини ва топалеозой блокларининг фаоллашган қисмлари ҳудудларидаги уран маъданли районлар* қуйидаги УМФ га киритилади:

- пойдеворнинг углеродли кремнийли сланецларидаги дарзликларга хос инфилтрация билан боғлиқ бўлган экзоген уран маъданлашувлар.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ушбу тур учун саноат истиқболлари, худди шундай Марказий Қизилқум уран маъданли ўлкага чиқувчи, фақатгина Овминза-Белтов маъдан райони учун исботланган. Гарчи ураннинг йирик маъдан намоёнлари ва кўп сонли намоёнлари Бўконтон ва Нурота районларида жойлашган бўлсада, бобда уларнинг баёни ушбу район учун мисол сифатида келтирилади.

Бўконтон мисолида қора сланецларда коннинг шаклланишларини генезиси ва геологик шароитларини моделлаштирган биздан аввалги тадқиқотчилар кўрсатдики, эрозион қирқимнинг турли сатхларида хар хил турдаги маъданлашувларни кутиш мумкин. Кейинчалик, бир нечта участкалар (Олтинтову, Устук, Жантуар кони) бўйича муфассал минералогик тадқиқотлар асосида ва истиқболли майдонлар ва маъдан намоёнларнинг геокимёсини ўрганишлар (Шарқий Олтинтов, Устук), геологик-генетик базаси негизида, уларни ҳосил бўлиш шароитларини моделлаштириш (бу ҳақида қуйида баён этилади) асосида углеродли кремнийли сланецларда саноатга хос уран маъданлашувларни намоён этиш истиқболлари кўрсатилади.

Тоғ маъдан районларининг углеродли сланецларда экзоген иккиламчи уран слюдали формацияга тегишли бўлган уран-слюдали мажмудаги ва бизлар

бирламчи уранли формацияга киритган оксид туридаги настуранли ва молибденит-настуранли турлардаги санаот маъданлашувлари тараққий этган.

Уран-слюдали минерал турдаги маъданлар нотекис минераллашган, нурашга учраган ва ташки кўринишидан кам ўзгарган углерод-кремнийли жинслар ва баъзан кучли майдаланган, кремний ва кварц томирларини бўлаклари бўлган филлитсимон углеродли, сланецлар билан тақдим этилган. Уранни таркиблари бўйича булар оддий маъданлар. Маъданни асосий бўлган фойдали компонентлари уран, ванадий, молибден, баъзан селен, иккинчи даражалилар эса – никель, кўпича мис, рух, сийрак олтин ва бошқалар ҳисобланади. Уранванадатли маъданларда юқори концентрация-ларда одатда кумуш, сийрак ер элементлари, маргимуш, тез-тез кобальт, симоб, висмут, таллий, барий, стронций, скандий, вольфрам ва бошқа элементлар аниқланган. Маъданларда уран ва ванадийнинг турли ёшдаги минерал ассоциациялари ажратилади.

Маъданлашувнинг иккинчи тури – настуранли, молибденит-настуранли, иккинчи УМФ асосан настуран, уран қораси, коффинит, эхтимол пирит, арсенопирит, халькопирит, молибденит, сфалерит, галенит ва никеларсенидлар билан ассоциациядаги уран молибдатлари билан тақдим этилган. Маъданлашувнинг ушбу тури чуқурликларда (нордонлашиш зонаси сатхидан куйида) тараққий этган ва ер юзасида ҳеч ерда намоён бўлмаган.

Учинчи «Қумтош туридаги конларни излаш услубиятлари ва уларнинг шаклланиш шароитлари» деб номланган боб учта бўлимдан ташкил топган, унда Ғарбий-Зиёвутдин майдонлари ва Томдитов уран маъданли районлари мисолида махсулдор горизонтларни муфассал минералогик-геокимёвий ўрганишга асосланган, излаш усулини такомил-лаштириш баён этилган. Конларни шаклланиш шароитлари асосан, минералогик тадқиқотларни катта ҳажмлари негизида ўрганилди. Излаш принциплари, услубни асослаш, излашнинг биринчи мезонлари, ўтказувчан қатламларда уран конларини шаклланишларининг эпигенетик назариясини вужудга келиши ва бошқалар, қумтош туридаги конни очилиш тарихини намоёйиш этади.

Қизилқумнинг қумтош туридаги конларини ўрганиш шуни кўрсатдики, жинсларда бўлиб ўтадиган эпигенетик ўзгаришлар ва маконда бир-бирини қонуниятли алмаштириб туришлари натижасида шаклланадиган маъдан-назоратловчи нордонлашган зоналикларда маъданлашув маълум бир ҳолатни эгаллайди.

Охирги-оқибатда, фан ва ишлаб чиқаришнинг биргаликдаги зўр беришлари билан қумтош туридаги конларнинг шаклланишларини етарлича мантиқли бўлган, барчага маълум «эпигенетик инфилтрацияси» назарияси юза келди. У куйидагиларга жамланган:

Озуқланиш зонасидан сув таркибли горизонтга ижобий, камёбсалоҳиятли (+100 - +300 мВ) ва турли элементларнинг нисбатан юқори таркиблари (U, Se ва Mo $n \cdot 10^{-5}$ г/л) бўлган кислородли (0,2 мг/д эркин кислород) сув келиб тушади.

Сувларни қатламлар бўйича ҳаракатланишларига кўра, улар кислородни асосан органик махсулни ва темир минералларини нордонлаштиришга сарфлайдилар ва ост зоналари мавжуд бўлган қатламли нордонлашган зонани шакллантирадилар. Охиргисини поналашишида эркин кислородни бутунлай йўқолиши бўлиб ўтади ва сувларнинг Eh и кескин пасайяди (± 50 дан -200

мВ.гача), у урanni эримайдиган тўрт валентли шаклига ўтиши ва чўкишига йўлдош бўлади. Уран таркибининг эгри чизиги ва сувдаги Eh қийматларининг орасидаги мувофиқлик, ураннынг чўкишини бевосита сабаби нордонлаштирувчи мухитни кескин равишда тикловчига алмашилиши ҳисобланади.

Қизилқумнинг қумтош туридаги конларини ўрганиш кўрсатдики, жинсларга юклатилган эпигенетик ўзгаришлар ва маконда бир-бирини қонуниятли алмаштириб туришлар натижасида шаклланадиган маъдан-назоратловчи нордонлашган зоналикда маъданлашув маълум бир ҳолатни эгаллайди. Кейинчалик эътибор қилиндики, шаклланишга маълум маънодаги тикловчи тавсифдаги сифатли бошқа ўзгаришлар ҳам эга. Газлитикловчиларнинг турли манбаалари - уларни қатламлар бўйлаб қўшни нефтгазли ўлкалардан кириб ўтишига йўл қўйган –латерил ҳақида тахминлар айтилди.

Юкорида баён этилган тасаввурларга тўлиқ мувофиқликда, қатламли нордонлашиш зоналарни бурғилаш билан излашнинг махсус усулини ишлаб чиқаришга имкон берувчи, асосий излаш мезонлари ва белгилари ишлаб чиқилди ва амалиётида қўлланилди. Бироқ, салохиятли коннинг геологик ривожланиш тарихидаги турли этапларида намоён бўлган, бизнинг фикримизча Суграли, Учқудуқ ва Сибирсой каби йирик тоннали ноёб объектларни шаклланишида катта ахамият касб этган тикловчи тавсифдаги ўзгаришлар нима билан боғлиқлиги масаласи ноаниқ бўлиб қолди.

Назаримизда, агар улар томаъдангача бўлса, унда геокимёвий тўсиқларнинг ёрқинлигига олиб келади, яъни маъдан ётқизилишга йўл қўйяди, агар маъдандан кейинги бўлса – унда қачонлардир шаклланган маъдан уюмларини кўмилишига ва уни қатламли нордонлашиш фронидан узоклашишига олиб келади. Бундай далиллар бир қатор конларда қайд этилган ва айниқса, бирламчи ҳолатни намоёйиш этувчи ёриқолди маъдан уюмлари деб аталувчилар ўрнатилган ва 1 км.га етувчи қатламли нор- донлашиш фронтдан йирик уюмини ажратилиши қайд этилган Суграли конида ёрқин намоён бўлади.

Гарчи масалани охиригача тўлақонли ўрганиш бундай ёпиқдаги уюмларни асосланган услубини шаклланишига олиб келмасада, шуни тахмин қилиш мумкинки, уларни излаш ва топиш мезонларни ишлаб чиқиш қумтош туридаги ёрқин маъданларнинг келиб чиқиш назариясини тўлиқ тушунишга ва уран конининг генезисни умумий назариясини янги мезонлари билан тўлдиришларга олиб келади.

